

УДК 338

Мухаммедова Зарина Муродовна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институту докторанти

ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРАТИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада постиндустриал жамиятга ўтиш концепцияси ва постиндустриал жамиятда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришнинг зарурати ёритилган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг бошқа соҳа тармоқларидан фарқли томонлари очиб берилган.

Калит сузлар: постиндустриал жамият, хизмат кўрсатиш соҳаси, унумли ва унумсиз меҳнат, бирламчи сектор, иккиламчи сектор, учламчи сектор, саноати ривожланган мамлакатлар.

Кириш. Ҳозирги замон иқтисодиётининг шаклланиши асосан хизматлар соҳаси ва ахборот технологияларининг ривожланиши билан белгиланади, бу эса жамиятда илм-фаннинг роли ошганлигидан далолат беради. XX-аср ўрталарида илмий ва технологик инқилоб натижасида янги технологияларни жорий этиш ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашишига ва хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши, унда янги фаолият турларининг пайдо бўлишига олиб келди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ўсиши натижасида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти хизматлар иқтисодиёти деб атала бошланди, бу эса унинг ҳозирги замон иқтисодиёти ривожланишидаги ўрни ва ролини таҳлил қилишнинг фаоллашишига сабаб бўлди. Айни пайтда, ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 80 фоизни¹, ушбу соҳага тегишли бўлган бандликнинг улуши эса 70% дан ортиқни ташкил этмоқда.²

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари МДҲ давлатлари кўплаб олимларининг тадқиқот объектига айланди ҳамда постиндустриал жамиятга ўтишнинг долзарб муаммоларига бағишланган нашрлар сонининг тобора ўсиб боришига олиб келди. Маълумки, учламчи секторнинг фаолияти ва ривожланишининг назарий жиҳатларига бағишланган кўплаб олимларнинг, жумладан А.Н.Петров, Г.А.Карпова, Л.В.Хорева, А.С.Квасова ва бошқаларнинг³ илмий ишлари мавжуд. Шунингдек, И.А.Киселёва, С.О.Искаджян, А.Н.Макаревич⁴ каби олимларнинг олиб бораётган тадқиқотларида асосан постиндустриал жамиятга ўтишнинг зарурий шартлари, иқтисодиётнинг ўсишида учламчи сектор ривожланишининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Глобал миқёсда хизмат кўрсатиш соҳаси муаммоларини ўрганишга эътиборини қаратган олимлар сирасига М.Е.Савлов, А.С.Булатова, О.Н.Балаева, М.Д.Предводителева⁵ ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

¹ OECD Statistics/Labour Force Statistics. URL: <http://stats.oecd.org/>

² OECD Statistics/National Accounts. URL: <http://stats.oecd.org/>

³ Petrov A.N., Karpova G.A., Khoreva L.V. Conceptualization of approaches to the formation of a holistic theory of services. 2012. No. 1. P. 40-50.; Kvasova D.S. Theoretical aspects of sectoral structuring of the economy // Bulletin of the Brest State Technical University. 2019. No. 3. - P. 45-50.

⁴ Киселёва И.А., Искаджян С.О. Сфера услуг как основа развития современной экономики // Финансовая аналитика: проблемы и перспективы. 2013. № 46.; Макаревич А.Н. Предпосылки становления и экономические особенности функционирования сферы услуг // Вестник Новгородского государственного университета. 2010. № 60. - С. 10.

⁵ Savlov M.E. Formation of the sectoral structure of the tertiary sector of the economy of the countries of the world. Abstract of thesis. diss. ... Cand. geogr. sciences. Moscow: Moscow State University named after M.V.Lomonosov, 2016. P. 175.; World economy / ed. A.S. Bulatov. M., 2005. - P. 186.; Balaeva O.N., Predvoditeleva M.D. The role of the service sector in the global economy // Marketing of services. 2010. No. 4 (16). - P. 251.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-мантикий таҳлил, омилли таҳлил, индукция ва дедукция усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. XX асрнинг охириги йилларида жаҳон иқтисодиётида вужудга келган асосий концепция – бу постиндустриал жамиятга ўтиш концепцияси бўлди ва ҳозир ҳам ўтиш жараёни узлуксиз давом этмоқда. Унинг асосида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини илгари сурадиган турли хил назариялар ва қарашлар ётади. Ижтимоий ишлаб чиқариш таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг устунлиги нафақат иқтисодиётда, балки ижтимоий соҳада ҳам ижобий оқибатларга олиб келди, бу эса жамият таракқиётининг постиндустриал босқичига ўтиш белгиларидан биридир. Постиндустриал жамият концепцияси XX асрнинг 50-60 йилларида пайдо бўлган. Бу давр цивилизациянинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтишини таъминловчи асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлган илмий-техникавий инқилоб, умумий саноатлаштириш даври деб аталади.

Уч секторли иқтисодиёт ва постиндустриал жамиятга ўтиш назарияси ривожига машҳур америкалик олим Д.Белл¹ ўзининг “Келажак постиндустриал жамият” номли китобида катта ҳисса қўшди. У “Ижтимоий прогнозлаш тажрибаси” деб постиндустриал жамиятга ўтиш даврида иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш натижаларини берди. Хизмат кўрсатиш соҳаси назариясининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган бир қатор америкалик олимлар – Жеймс Э.Донован, Доналд А.Фергюсон ва Жозеф Х.Шпигелманлар² ҳам ўзларининг илмий ишларида хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамиятини ёритиб берганлар. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида рақобатнинг кучайиши, илмий-техникавий таракқиётнинг модернизацияси ва истеъмолчилар талабларининг ортиши натижасида хизмат кўрсатиш соҳаси тез ривожланиб, унинг янги турлари ва йўналишлари яратилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодчилар томонидан хизмат кўрсатиш соҳаси муаммоларини ўрганиш нисбатан кечроқ – XX аср бошларида бошланган. Узоқ вақт давомида (XIX аср охиригача) хизмат кўрсатиш соҳаси миллий бойлик яратишда ва умуман ишлаб чиқариш соҳасидан четда қолиб кетган, шунинг учун унга иқтисодиётнинг мустақил тўлақонли соҳаси сифатида қаралмаган.

Дунёга машҳур инглиз иқтисодчиси Адам Смит ўз даврида унумли ва унумсиз меҳнат тушунчаси ҳақидаги концепциясини яратиб, ижтимоий бойлик яратишда хизмат кўрсатиш соҳасига иккинчи даражали ролни юклаган. У жамият бойлиги фақат унумли меҳнат (моддий ишлаб чиқариш) орқали яратилади, деб ҳисоблаб, хизматни ижтимоий бойлик таркибига киритишга зид нуктаи назарни билдирган. У руҳонийлар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, ёзувчилар, мусиқачилар, кўшиқчилар ва шу каби хизмат кўрсатиш соҳаси касблари билан шуғулланувчиларни унумсиз меҳнат эгалари деб ҳисоблаган.³

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумсизлиги ҳақидаги моҳиятан нотўғри, энг муҳими, кўриб чиқиладиган соҳа учун зарарли бўлган бу нуктаи назар такрор ишлаб чиқариш жараёнида ушбу соҳанинг ўрни ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлишига олиб келди. Айнан у кейинчалик кўплаб иқтисодий таълимотларнинг асосини ташкил этди ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тўлақонли қисми сифатида ушбу соҳанинг ривожланишида салбий роль ўйнади.

Адам Смит даврида хизматлар инсон томонидан истеъмол қилинадиган товарларнинг умумий тўпламида жуда кичик улушни эгаллаган ва иқтисодий фаол аҳолининг арзимас қисмигина хизмат кўрсатиш билан шуғулланган. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, 1900 йилда иқтисодий фаол аҳолининг умумий сонидан хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганларнинг улуши атиги 20 фоизни ташкил этган бўлса, 1950 йилда бу кўрсаткич 25,4 фоизга етди. Демак, ўша даврда хизмат кўрсатиш соҳасининг

¹ Bell D., (1999). The coming post-industrial society. - M.: Academy.

² James E. Donovan (1963) Greater Economic Role of Service Industries, Financial Analysts Journal, 19:2, 89-91, DOI: 10.2469/faj.v19.n2.89.; Donald A. Ferguson (1960) Public Service Industries and the Capital Markets, Financial Analysts Journal, 16:2, 73-76, DOI: 10.2469/faj.v16.n2.73.; Joseph H. Spigelman (1969) The Data Service Industry: Part One, Financial Analysts Journal, 25:2, 92-102, DOI: 10.2469/faj.v25.n2.92.

³ Smith Adam. Research on the nature and causes of the wealth of nations. Vol. 1. M., 1935., P. 279.

такрор ишлаб чиқариш жараёнида тутган ўрнини эътибордан четда қолдириш ёки ушбу соҳага кам баҳо бериш ижтимоий бойлик ва иқтисодий ўсишнинг умумий қийматига у қадар жиддий таъсир кўрсатмаган.

Фридрих Энгельс Унумли ва унумсиз меҳнат борасидаги қарашларида Адам Смитдан қолишмайди: у “Сиёсий иқтисод биладиган ягона қадрият бу товар қийматидир” деб таъкидлайди.¹ Ушбу қарашлар хизматлар унумли эмас, шунинг учун янги қиймат яратмайди деган муҳим хулосага олиб келади. Аммо, ушбу қарашларга нисбаттан хизматларнинг айрим турлари қиймат ва истеъмол қийматини яратади, деб ҳисоблаган Карл Маркснинг қарашлари афзалроқдир. У Адам Смитнинг унумли ва унумсиз меҳнат концепциясини чуқур таҳлил қилиб, унинг хизматларнинг моҳияти ҳақидаги ғоялари ноқонунийлигини исботлайди.

К.Маркс хизматларнинг товар шакли ҳам рационал мазмунга эга эканлигини таъкидлайди, бирламчи зарурий бўлган товар-хизматларнинг иккаламчи, яъни зарурати камроқ бўлган хизматлардан сифат жиҳатидан фарқини кўрсатади, шунингдек, хизматлар, мисол учун таълим хизматлари, пировард натижада, ишчи кучини ишлаб чиқаришга қўйилган инвестиция эканлигини асослайди. У, ҳаттоки, юк ташиш учун транспорт харажатларини ҳам унумли деб ҳисоблайди. “Буюмлар (нарсалар)нинг истеъмол қиймати уларни истеъмол қилгандагина намоён бўлади, бу эса уларнинг жойини ўзгартириш заруриятини келтириб чиқариши ва шунинг учун транспорт саноатида қўшимча ишлаб чиқариш жараёнини тақозо қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Шунинг учун унга қўйилган унумли капитал қийматни ташилаётган маҳсулотга қўшади, қисман транспорт воситаси қийматининг ўтказилиши натижасида, қисман эса қийматнинг транспортда меҳнат билан қўшилиши туфайли бу жараён содир бўлади. Бу охириги қийматга устама, худди капиталистик ишлаб чиқаришда бўлгани каби, иш ҳақини қоплашга ва қўшимча қийматга бўлинади”.²

Унинг фикрига кўра, товарлар ва хизматлар ўртасида ўхшашлик мавжуд бўлиб, истеъмолчи хизматни ўз эҳтиёжларини қондириш учун сотиб олади. Шу билан бирга, ушбу хизматлар уни ишлаб чиқарувчи учун товар ҳисобланади ва улар бошқа товарлар каби истеъмол қиймати ва айирбошлаш қийматига эга бўлади. Биз Маркснинг бу фикрига қўшилаемиз. Зеро, хизмат кўрсатувчининг меҳнати моддий неъматлар яратувчи инсон меҳнатининг бир тури бўлиб, у икки томонлама хусусиятга эга (абстракт меҳнат ва конкрет меҳнат), у айирбошлаш ва истеъмол қийматини яратади, шунингдек, иқтисодий неъматлар яратишга қаратилган инсоннинг аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятидир.

Хизматлар назариясининг ривожланишига инглиз иқтисодчиси Альфред Маршалл ҳам катта ҳисса қўшди. Бизнинг фикримизча, у янада адолатли нуқтаи назарни илгари сурди, унга кўра, хизмат кўрсатиш соҳаси, гарчи у бевосита моддий неъматлар яратмаса ҳам, моддий ишлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Унинг ушбу соҳа олдидаги хизмати шундан иборатки, у иқтисодий фанлар тарихида биринчи бўлиб барча неъматларни моддий ва номоддий гуруҳларга ажратди. Номоддий неъматлар инсоннинг ҳаракат қилишга ва завқланишга бўлган фазилатлари ва қобилиятлари ҳамда касбий маҳоратдан иборат. А.Маршалл буларни ички неъмат деб атади. Ташқи неъматларни эса у инсон учун фойдали бўлган меҳнат мажбуриятлари ва уй хизматларига ажратади.³ Бундай шароитларга у кишиларнинг фуқаролик ва ҳарбий хавфсизлиги, бепул таълим олиш ҳуқуқи, суд ҳимояси ҳуқуқи, давлат мулкидан фойдаланиш имконияти ва бошқаларни киритади. Товарларнинг ички ва ташқи неъматга бўлиниши бизда етарлича ишонч ҳосил қилмаган бўлса-да, аммо барибир, А.Маршаллнинг қарашлари кўп йиллар давомида мавжуд бўлган хизмат кўрсатиш соҳасидаги ижтимоий ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини чекловчи талқин билан солиштириганда, сезиларли олдинга қўйилган ижобий қадам бўлди.

¹ Engels Friedrich. Anti-Dühring, K.Marx and F.Engels. Compositions. 2nd edition, T.20, P. 318.

² Marx K. "Capital" V.2, K.Marx and F.Engels, Works. 2nd edition, T. 24, - P. 169-170.

³ Marshall A. Principles of Political Economy. T. M., 1983.

Шунинг учун улар хизматларнинг замонавий назариясини шакллантиришда ижобий роль ўйнади.

Ўтган асрнинг биринчи ярмида уч секторли иқтисодиёт назарияси ишлаб чиқилди ва у замонавий хизматлар назариясини яратишнинг ва ривожлантиришнинг муҳим таянчига айланди. Ушбу назариянинг асосчиси Колин Кларк бўлиб, у кенг оммага маълум бўлган “Иқтисодий тараққиёт шартлари”¹ асарида ўзи белгилаган уч секторнинг ҳар бирида ишлаб чиқариш ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизимга хос бўлган ривожланиш қонуниятларига бўйсунуши ҳақида жуда муҳим хулосага келди. Унинг фикрича, ҳар бир мамлакат ўз ривожланишида уч босқичдан ўтади: биринчиси – аграр (мамлакатда ишлаб чиқариш секин ўсиб боради), иккинчиси – саноат (ишлаб чиқаришнинг ўсиши максимал даражага етади) ва учинчиси – хизмат кўрсатиш соҳасининг устун ўсиши босқичи (ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати яна секинлашади). Бандликнинг тармоқ тузилмасида қишлоқ хўжалигининг салмоғи муттасил камайиб, саноатнинг салмоғи дастлаб ўсиб кейин узоқ муддатли истикболда пасайиб боради, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши эса доимий равишда ошиб боради.² К.Кларкнинг фикрича, бирламчи сектор (қишлоқ хўжалиги ва қазиб олувчи саноат) даромаднинг камайиб бориши қонунига мувофиқ ривожланади, иккиламчи сектор (саноат ишлаб чиқариши ва қурилиш) рентабелликни ошириш қонуни талабларига жавоб беради. Учламчи сектор (хизмат кўрсатиш соҳасининг барча тармоқлари)га келсак, у бир вақтнинг ўзида ушбу иккала қонунга мос келади, яъни даромаднинг камайиши қонунига ҳам, рентабелликнинг ошиб бориши қонунига ҳам.³

Уч секторли иқтисодиёт назариясини ривожлантиришда Фишер-Кларк ишлаб чиққан таркибий ўзгаришлар назариясининг ўрни беқиёсдир. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, жамият ривожланиб борар экан, ривожланиш йўналиши иқтисодиётнинг бир секторидан иккинчисига: бирламчи сектордан иккиламчи, сўнгра учламчи секторга босқичма-босқич ўтади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, иқтисодиётнинг бир секторидан иккинчисига бундай ўтиш, биринчи навбатда, истеъмол талаби табиатининг ўзгариши билан боғлиқ: аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ошгани сайин қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб аста-секин камаяди, саноат маҳсулотларига бўлган талаб эса дастлаб ошади, кейин пасаяди, хизматлар соҳаси эса доимо ўсиб борадиган сектор ҳисобланади.

Уч секторли иқтисодиёт назариясининг яратилиши ва ривожланиши тарихини таҳлил қилар эканмиз, ушбу назарияни ишлаб чиқишда ва Колин Кларк ғояларини ижодий ривожлантириб, уни мантикий охирига олиб чиқишда Ж.Фурастьенинг хизмати катта деган хулосага келдик. У ўзининг ПА“XX асрнинг буюк умиди” асарида мамлакат иқтисодий ривожланишининг учта сектор билан боғлиқлигини кўрсатиб ўтди, яъни, иқтисодиёти сушт ривожланган давлат бирламчи секторга, ўртача ривожланаётган давлатлар – иккиламчи секторга, ривожланган давлатлар эса учламчи секторга боғлиқ. Фурастье мамлакат иқтисодиёти ривожланган бўлиши учун меҳнатга лаёқатли аҳолининг 70 % учламчи секторда, 20 % иккиламчи секторда ва 10 % бирламчи секторда банд бўлиши керак, деб ҳисоблайди.⁴

Дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун хизмат кўрсатиш соҳаси узоқ вақтдан бери иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим муаммоларини муваффақиятли ҳал қиладиган, ижтимоий бойликни шакллантиришда ва аҳоли фаровонлиги даражасини оширишда фаол иштирок этувчи ва ҳал қилувчи роль ўйнайдиган иқтисодиётнинг етакчи секторига айланди. 2020 йил маълумотларига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида банд

¹ Clark K. Conditions of economic progress. – London: Macmillan, 1940. Breslavtseva N.A. (2006). Accounting at service enterprises. Rostov n / a: Phoenix. - P. 441. (In Russ.).

² Three sectors theory // Economic encyclopedia. Political Economy. – М.: Soviet Encyclopedia, 1980. - P. 176-178.

³ https://spravochnick.ru/ekonomika/struktura_sektorov_ekonomiki/teoriya_sektorov_ekonomiki

⁴ Fourastié J. Le Grand Espoir du XXe siècle: Progrès technique, progrès économique, progrès social. - Paris: Presses Universitaires de France, 1949.

бўлганлар улуши Канадада 79,07 фоизга, Швецияда 80,44 фоизга, Буюк Британияда 81,09 фоизга, Сингапурда 83,80 фоизга, Люксембургда 88,14 фоизга етди.¹

Саноати ривожланган мамлакатларнинг хизмат кўрсатиш иқтисодиётига ўтиши ўтган асрнинг 50-70 йилларида, ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш таркибида туб ўзгаришлар рўй бериб, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан устунлик қила бошлаган пайтда содир бўлган. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, ривожланган мамлакатларнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги бу туб ўзгаришлари осонлик билан кечмаган. Ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва уни амалиётга татбиқ этиш, авваламбор уларнинг иқтисодиёти таркибида бўлиб ўтаётган тармоқлар бўйича таркибий ўзгаришлар сабабларини аниқлаш ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Тадқиқотчи Д.С.Квасова Буюк Британия, Германия ва Франция мисолида ривожланган мамлакатларда учламчи сектор ривожланишини синчиклаб таҳлил қилиб, ушбу мамлакатлар иқтисодиётида учламчи сектор ривожланишининг ўзига хослиги аҳоли турмуш тарзи, унинг менталитети, тарихий ривожланиш хусусиятлари, бошқа соҳалар ҳолати ва албатта, ҳукуматнинг ҳаракатлари таъсири остида шаклланади деган хулосага келган.² Илмий нуқтаи назардан қараганда, тадқиқотчининг иқтисодиётнинг иккиламчи секторининг инновацион ривожланишини хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсишида муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги хулосаси алоҳида эътиборга лойиқдир. Буни айнан саноат ва қурилиш учламчи секторни, яъни хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришнинг моддий базаси эканлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида асосий макроиқтисодий кўрсаткич, яъни, ялпи ички маҳсулотнинг шаклланишида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни бекиёс. Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётида ялпи ички маҳсулотда хизматлар улушининг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Пандемиянинг хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш суръатларига салбий таъсир кўрсатишига қарамай, бу соҳа иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг юқори улушини ҳамон эгаллаб турибди.

Хизматлар соҳасининг ривожланиши ва хизматлар сифати барқарор иқтисодий ўсиш ва жамият фаровонлигининг гаровидир. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўсиш омили – бу ижтимоий эҳтиёжлар тизимида содир бўлаётган ўзгаришлар, аҳолининг реал даромадлари ўсиши, ҳаёт даражаси ва сифатининг яхшиланиши, шунингдек, инсон маърифий ва маданий савияси ошишининг натижасидир. Бу, ўз навбатида, бандликни таъминлаш ва қашшоқликни камайтириш билан боғлиқ. Мамлакатда қашшоқликни камайтириш бўйича кенг қўламли ишлар бошланган Ўзбекистон учун учламчи секторни жадал ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, учламчи секторни жадал ривожлантириш ва унинг мамлакат ЯИМдаги улушини кескин ошириш жуда мураккаб жараён ва у катта қийинчиликларни юзага келтиради, бу, бизнингча, биринчи навбатда, маъмурий-худудий тузилмалардан мерос бўлиб қолган ноқулай тузилма билан боғлиқ. Ўзбекистонда учламчи секторнинг яхши ривожланмаганлиги кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш соҳасининг истиқболли тармоқларини (масалан, таълим, туризм, соғлиқни сақлаш, рақамли иқтисодиёт ва бошқалар) молиялаштириш учун инвестиция ресурсларининг танқислиги билан боғлиқ.

Илмий тадқиқотларда амалга оширилаётган оқилона ёндашувлар билан учламчи секторни жадал ривожлантириш иқтисодиётнинг ўсишига кучли туртки бериши, иқтисодиётнинг бошқа секторларига нисбатан моддий ва номоддий хизматлар турларини ишлаб чиқаришда чекланган инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаши мумкин. Бинобарин, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига қўшган ҳиссасини ошириш – бу шунчаки оддий мақсад эмас, балки халқнинг келажакдаги фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган макроиқтисодий сиёсатдир. Бундай ёндашув асосида иқтисодиётни

¹ https://www.economicdata.ru/economics.php?menu=macroeconomics&data_t

² Kvasova D.S. Development of the tertiary sector of the economy in developed countries. Proceedings of BSTU Series 5, No. 2, 2018, P. 86.

ривожлантириш, учламчи секторнинг ЯИМ ва бандликдаги улушини ошириш унинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини оширишнинг ишончли, узоқ муддатли воситаси сифатида қаралиши лозим.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, хизмат кўрсатиш соҳасини асосан интенсив ривожлантириш ташаббускори бўлган ва унинг иқтисодиётдаги устун мавқеини таъминлаган давлатлар дастлаб миллий иқтисодиёт самарадорлигини тубдан ошириш мақсадини кўзлаганини кўришимиз мумкин. Улар иқтисодиёт таркибий тузилишини учламчи сектор фойдасига тубдан ўзгартириш масъулиятини ўз зиммаларига олдилар ва натижада иқтисодий тараққиётда катта муваффақиятларга эришдилар, дунёнинг ривожланган давлатлари рўйхатидан муносиб ўрин эгаллаб, ўз халқи учун юқори турмуш даражасини таъминладилар. Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида кенг қўламли иқтисодий ислохотлар доирасида хизмат кўрсатиш соҳасига айниқса муҳим ва ортиб бораётган эътибор қаратилгани тасодифий эмас.

Мамлакатимиз саноатлаштиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган бир пайтда, саноати ривожланган мамлакатлар анчадан бери (ўтган асрнинг иккинчи ярмида) ўз тараққиётининг навбатдаги босқичи – ахборот ва хизмат кўрсатиш иқтисодиётини барпо этиш босқичига ўтди. Натижада, XX асрнинг охирига келиб, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда экстенсив типдаги саноат жамияти интенсив ривожланиш типидagi ахборот ва хизмат кўрсатиш жамиятига алмаштирилди. Иқтисодиёти ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш ҳамда аҳоли турмуш сифати ва даражасини тубдан оширишни таъминлаш учун Ўзбекистон бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириши ва унинг ялпи ички маҳсулот ва аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмининг бандлик даражасини таъминлашдаги ролини сезиларли даражада оширишга эришиши мумкин.

Сўнгги йилларда олиб борилаётган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиш тенденцияларида ижобий ва салбий ҳолатлар мавжуд. Салбий ҳолатлар қаторида, биринчи навбатда, мустақил ривожланишнинг ўтган йиллари давомида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланиш суръатларининг етарли даражада юқори бўлмаганлигини, охириги йилларда эса, аста-секин жадаллашганини қайд этиш лозим.

Ялпи ички маҳсулот статистик маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмида аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг улуши 8,9 фоизга ошган. Демак, агар бу кўрсаткич 1990 йилда 32,6 фоиз бўлган бўлса, ҳозир 41,5 фоизга¹ ўсди. Иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг бундай ўсиш суръатлари на иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг глобал тенденцияларига, на ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган цивилизациялашган мамлакатда учламчи секторга қўйиладиган талабларга мос келмайдиган ҳолат деб баҳолаш мумкин. Таққослаш учун: Қозоғистонда ўтган йиллар давомида мамлакат ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 34,1 фоиздан (1990 йил) 55,1 фоизгача (2020 йил) ошди.²

Иқтисодиётнинг учламчи секторига инвестициялар ҳажмини унинг умумий инвестицион харажатлардаги улушининг ошиши ҳисобига сезиларли даражада ошириш мумкин эмас. Чунки унинг ривожланиш суръатларини тезлаштириш мақсадида жами инвестиция харажатларининг умумий ҳажмида хизмат кўрсатиш соҳаси улушини ошириш учун, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига инвестицияларни қисқартириш лозим бўлади. Бундай сиёсатни амалга оширишдан иқтисодиётнинг бирламчи (қишлоқ хўжалиги) ва иккиламчи (кон ва ишлаб чиқариш) тармоқлари манфаатларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон иқтисодиётининг бирламчи ва иккиламчи секторлари улкан иқтисодий салоҳиятга эга ва улар инвестиция ресурсларини кўпайтиришга жуда муҳтож.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

² Доля услуг в структуре ВВП РК составляет более 55% // <https://uchet.kz>

Қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг етакчи ва базавий тармоқларидан бири бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришга анъанавий равишда катта ҳисса қўшиб келган ва қўшиб келмоқда (2022 йилда 25,1 фоиз).¹ Ўзбекистон қулай табиий-иқлим шароитига эга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришда инкор этиб бўлмайдиган рақобатбардош устунликларга эга. Мамлакатимизда бутун қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш учун яхши шарт-шароит мавжуд бўлиб, пахта, кўп турдаги мева-сабзавотлар, мева ва узум, пилла, қорақўл ва жун етиштириш бўйича МДХда етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, *Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси*да соҳада бозор механизмларига асосланган ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган самарали иқтисодий муносабатлар тизимини яратиш, ерлардан самарали фойдаланиш механизминини жорий этиш кўзда тутилган. Бизнингча, ушбу секторни ривожлантиришга йўналтирилган, ҳали ўзи етишмай турган инвестиция ресурсларининг бир қисmini учламчи секторни ривожлантиришга йўналтиришнинг имкони йўқ.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон иқтисодиётида учламчи секторни жадал ривожлантириш асосида муносиб инсон ҳаётини шакллантиришнинг ижтимоий омилларига эътибор беришимиз жоиз. Умуман олганда, ишлаб чиқаришни моддий бойлик яратишдан хизматлар кўрсатишга йўналтиришнинг умумжаҳон глобал тенденцияси, бизнинг фикримизча, уларнинг юқори ликвидлиги, ишлаб чиқарувчига маблағларнинг қисқа муддатда келиб тушиши, нисбатан паст материал сифими (шу жумладан, моддий хизматлар деб аталадиган) билан боғлиқ, бу эса қўшимган қиймат миқдорини ва демак, миллий даромадни оширади.² Хизмат кўрсатиш соҳаси нафақат барқарор иқтисодий ўсишга эришиш билан боғлиқ муаммоларни, балки жамият ижтимоий ривожланишининг кескин муаммоларини ҳам муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради. Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли турмуш даражасини ошириш, бўш вақтини кўпайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришга эркин ишчи кучини фаол жалб этади, аҳоли бандлиги даражасини ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширади, янги иш ўринларини яратади, ўз ходимларига ҳам, мамлакат аҳолисига ҳам катта даромад келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Киселёва И.А., Исканджян С.О. Сфера услуг как основа развития современной экономики // Финансовая аналитика: проблемы и перспективы. 2013. № 46.
2. Макаревич А.Н. Предпосылки становления и экономические особенности функционирования сферы услуг // Вестник Новгородского государственного университета. 2010. № 60. - С. 10.
3. Balaeva O.N., Predvoditeleva M.D. The role of the service sector in the global economy // Marketing of services. 2010. No. 4 (16). - P. 251.
4. Kvasova D.S. Theoretical aspects of sectoral structuring of the economy // Bulletin of the Brest State Technical University. 2019. No. 3. - P. 45-50.
5. Marx K. "Capital" V.2, K.Marx and F.Engels, Works. 2nd edition, T. 24, P. 169-170.
6. Petrov A.N., Karpova G.A., Khoreva L.V. Conceptualization of approaches to the formation of a holistic theory of services. 2012. No. 1. - P. 40-50.
7. Savlov M.E. Formation of the sectoral structure of the tertiary sector of the economy of the countries of the world. Abstract of thesis. diss. ... Cand. geogr. sciences. Moscow: Moscow State University named after M.V.Lomonosov, 2016. - P. 175.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

² Volkova A.A. Service industry: theoretical analysis // Bulletin of the St. Petersburg University of Economics. 2014. No. 4 (88). S. 11-16. (In Russ.).